

Ушбу сонда:

2

Таҳлил: БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИ МАВСУМГА ШАЙМИ?

3

Огоҳ бўлайлик! ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН, ЮРТИМ!

4

Қишлоқ спорти: БАЛИҚЧИЛИК ВОЛЕЙБОЛЧИ ҚИЗЛАР



ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 1 июн, сешанба № 69 (716)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол насли тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусияти-миздир.

Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди.

Ислом КАРИМОВ.

ОҚСАРОЙ ҚАРОРГОҲИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 май кун Оқсарой қароргоҳида Европа Тикланиш ва тараққиёт банки президенти Хорст Кёлер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.



Мамлакатимизнинг мазкур халқаро молиявий муассаса билан алоқалари ҳар икки йилда янгиланиб турадиган «Ҳамкорлик стратегияси»га асосланади. 1998 йилнинг 2 декабрида ЕТТБ 1999—2000 йилларга мўлжалланган навбатдаги стратегияни маъқуллаган. Банkning Ўзбекистондаги фаолияти асосан минерал-хомашё захираларини ўзлаштириш ва қайта ишлаш, энергетика мажмуи, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, агробизнес ва пахтани қайта иш-

лаш, банк-молия соҳалари, шунингдек, сайёҳлик инфратузилмасини раванқ топтириш билан боғлиқ. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан ЕТТБ ўртасидаги ҳамкорлик ривожланиб бораётганини таъкидлар экан, айни пайтда ўзаро ҳамкорликда умумий қиймати 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этадиган қатор лойиҳалар амалга оширилаётганини

қайд этди. Президент Ислом Каримов ЕТТБ билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, икки томонлама алоқаларни янада юқори поғонага олиб чиқиш имкониятлари кўпчилигини айтди. Кёлер ҳам Ўзбекистонга келишидан мақсад ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш масалаларини ўрганишдан иборат эканини

таъкидлади. Суҳбат чоғида ЕТТБ иштирокидаги лойиҳаларнинг амалга оширилиш жараёни кўриб чиқилди. Шунингдек, томонлар янги лойиҳалар бўйича ўзаро фикр алмашиб, ҳамкорлик қўламини кенгайтириш масалаларини ҳам муҳокама қилди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат мас-

лаҳатчиси В. Голишев, Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов, Молия вазир Р. Азимов иштироки эътибор қилинди. Қабулда Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари К. Накадзава ҳозир бўлди. (ЎзА).

Сурағда: Қабул пайти. А. ТУРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

1 июн - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Фарзандининг соғлиқ-саломатлиги, одоб-ахлоқи, илму-комиллиги, маънан ва жисмонан баркамоллиги ҳар бир ота-онанинг эзгу ниятидир.

«Соғлом авлод учун» хуқуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг тузилиши ва таъсис этилиши мақсадга эришишда муҳим омил бўлди. Унинг мақсади жамятда аёллар ва болаларнинг аҳолини тубдан яхшилаш, ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний баркамоллиққа эришишида кўмаклашишдан иборат.

Жамғарма айниқса Республикадаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга, болалар ва аёллар касалхоналарига, етим болаларга алоҳида гамжўрлик кўрсатмоқда. Утган йиллар да-

Жамғарманинг фақатгина 1999 йилнинг биринчи чораги давомида кўрсатган хайрия ёрдамларининг миқдори 14348136,37 сўмини ташкил қилган. Жамғарма томонидан Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, мактаб-интернатлари ўқувчилари Тиббий-ижтимоий бригадалари томонидан кўриқдан ўтказилди. Уларга ва аҳолининг энг муҳтож оилаларига жамғарма маблағлари хисоб-

ФАРЗАНД - ҲАЁТГУЛ, УМР МЕВАСИ

ратдир. Фаолияти жойлардаги 14 бўлинмаси ҳамда юздан ортиқ таянч масканлари орқали амалга ошириляпти. Ушбу масканлар жойлардаги жамғарма бўлимларининг тиббий-ижтимоий ва тарбиявий ишларини уюштириш марказлари хисобланади.

Жамғарма киритган тақлиф ва дастурлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1993-1998 йиллар мобайлида қатор қарорлар ва бир Фармойиш қабул қилинди, улар барча дастурларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлади.

бидан дори-дармонлар топширилди. 24-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига эса Грузия элчихонасининг инсонпарварлик ёрдами етиб келди. 1999 йил 16 феврал воқеалари оқибатида ҳалок бўлганларнинг фарзандларига омонат фарчалари очилди.

Жамғарма киритган тақлиф ва дастурлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1993-1998 йиллар мобайлида қатор қарорлар ва бир Фармойиш қабул қилинди, улар барча дастурларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлади.

Буллардан ташқари «Соғлом авлод учун» жамғармаси буюртмаси бўйича Голландиянинг «АЕС» фирмасидан 800 минг долларлик ноғиронлар аравачалари олинди, республика ижтимоий таъминот тизимида ҳада қилинди. «Ново-Нордиск» ва «Элай Лили» (Дания) фирмаларидан олинган умумий миқдори 15000 долларлик дори-дармонлар қанд касаллиқлари билан оғриган беморларни даволашга ажратилди.

Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернат болалари ўртасида ўтказилган «Камалак жилоси» танловида расмлари энг яхши деб топилган 40 нафар иштирокчига жамғарманинг совгалари топширилди. «Рабат Малик» саёхатчилар уюшмасида ноғирон болаларни экскурсияларга кўпроқ жалб этиш тақлифи маъқулланди.

Жамғарманинг мувофиқлаштирувчи бош муассасаси Тиббий-ижтимоий маркази (ТИМ) бўлиб, у энг замонавий диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Республиканинг ҳар бир минтақасида, хусусан чекка жойлардаги аёллар ва болаларни тиббий текширувдан ўтказиш мақсадида 14 та кўмак бригадаси иш олиб бормоқда. Жамғарма Германиянинг «Карл Цейс Йейна» фирмасидан барча тиббий диагностика техникаси билан жиҳозланган 15 та автомобил-амбуланслар сотиб олган бўлиб, унга бириктирилган мутахассислар оилалар, айниқса аёллар ва болалар саломатлигини мунтазам назорат қилиб бормоқдалар.

1994-1998 йиллар мобайлида ижтимоий таъминот тизими орқали ноғиронларга махсус аравачалар берилди, муҳтож оилаларга 5 миллион доллардан ортиқ миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. АҚШнинг «Проктер энд Гейл» компанияси 1998 йилда жамғармага берган 34000 доллар миқдоридagi янги вивотлар вилоятлардаги муҳтожларга топширилди.

Бундан ташқари Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида истеъоддорлари аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. 1996 йилдан бошлаб Жанубий Кореянинг «Энгра» жамғармаси билан биргаликда ноғирон болалар ўртасида «Жозибали буюклар олами» расмлар танлови ўтказиб келиняпти.

Шундай қилиб, юнон-рум курашида ҳамкорларимиз битта олтин, бешта кумуш, битта бронза, корейликлар тўртта олтин, битта бронза, козогистонлик дўстларимиз иккита олтин, битта кумуш, битта бронза, Хитой-Тайпейдан келган дўстларимиз битта олтин, иккита бронза, хитойликлар учта кумуш ва битта бронза медалларини бўлишиб олдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, етим болалар учун халқаро «SOS-КИНДЕРДОРФ ИНТЕРНЕТ» жамяти билан биргаликда Ўзбекистонда болалар маҳалласи куриш лойиҳаси ишлаб чиқилди ва «SOS-болалар маҳалласи Ўзбекистон ассоциацияси» тузилди.

Биз санаб ўтган хайрия тадбирлари жамғарма фаолиятининг айрим-айримлари. Қуни кеча Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан жамғарма томонидан «Тошкентленд» боғида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун катта байрам дастури ўтказилди. Унга «Кока-кола», «Тошшаҳарйўловчи» ДАН ходимлари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, Узэкспомарказ, «Арслон» хусусий фирмаси ҳомийлик қилдилар.

Шундай қилиб, пойтахтимизнинг «Юнособод» спорт мажмуида эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича ўтказилган XIII Осиё чемпионати ўз ниҳоясига етди. Жаҳоннинг 14 мамлакатидан ташриф буюрган 150 нафар спортчи кураш майдонида ўз куч ва маҳоратларини синовдан ўтказдилар.

Ушбу чемпионатда илк бор қатнашаётган қизларимиз гарчи биронта совринли ўринларни эгаллашмаган бўлса-да, улар учун чемпионат катта мактаб бўлди, десак янглишмаймиз.

Тилагимиз шу: «Соғлом авлод учун» каби жамғармалар бундан кейин ҳам Президентимиз таъбири билан айтганда, мамлакатимизда Алломишу Рустами Достонлар каби пахлавонларнинг камолга етишиши йўлида хизмат қилсин.

Биргина 1997 йилда дастурнинг 1-босқичини амалга ошириш учун «Прибори Ой» ва «Бристол Майерс Сквеп» фир-

малари билан биргаликда Ўзбекистон ассоциацияси бу халқаро ташкилот аъзолигига қабул қилинди.

Мухаббат УРМОНБЕКОВА, «Ишон»нинг махсус мухбири.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистонга ташриф буюрган Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) президенти Х.Кёлер бошчилигидаги делегация аъзолари Бош вазир У.Султонов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан ЕТТБ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳоли, ўзаро ҳамкорликнинг истиқболига оид масалалар муҳокама этилди. — Мазкур муассаса билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик йўналишлари кенгайиб бораётганини эътиборга олиб, — деди жумладан Бош вазир. — Хусусан, ЕТТБ мамлакатимизда банк ва молия соҳасидан ташқари, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича ҳамкорликни кенгайтиришга ҳам алоҳида қизиқиш билан қараляпти.

— Биз кичик ва ўрта бизнесни нафақат молиявий қўллаб-қувватлаш, балки бу йўналишда консалтинг хизмати кўрсатиш, тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, банк соҳасида кадрларни ўқитиш борасида ҳам ҳамкорликни ривожлантиришмоқчимиз, — деди Х.Кёлер музокаралар чоғида. У ўзи раҳбарлик қилаётган банкнинг Ўзбекистонда кечаётган ислохотлар жараёнини тўла қўллаб-қувватлашини таъкидлади. — 2003 йилда ЕТТБ Бошқарувчилари кенгашининг йиллик мажлисини Тошкентда ўтказишга қарор қилингани бу хайрихоҳликнинг яққол исботидир, — деди жумладан у.

Музокараларда Ўзбекистон томони иккита масалани ўртага ташлади. Булар хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузиш, шунингдек, Сирдарё ГРЭСини таъмирлаш бўйича лойиҳаларни тўла-тўқис амалга ошириш борасидаги ҳамкорликдир. ЕТТБ президенти ушбу тақлифлар ўрганилиб, ижобий ҳал қилинаётганини айтди. (ЎзА)

GERMANYLIK BANKIHLAR TASHRIFI

Германиянинг «Дрезднер банк АГ» вакиллари Ўзбекистонга ташриф буюрди. Банкинг молия институтлари бош менежери Франц Эламал ҳамда корпоратив институтлар вице-президенти Герд Крузе раҳбарлигидаги делегациянинг ташрифидан мақсад мамлакатимиздаги етакчи банклар фаолияти билан яқиндан танишиш ҳамда улар билан ҳамкорлик ўрнатишдир. Энди эса «Дрезднер банк» раҳбарияти ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорлик-

ни йўлга қўйишни режалаштирди. Шу мақсадда «Дрезднер банк» Тошкентда ўз ваколатхонасини очмоқчи.

«Дрезднер банк» вакиллари ташрифнинг биринчи кунинда «Ўзсаноатқурилишбанк», «Пахтабанк», «Асакабанк» ва Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкларида бўлиб, уларнинг фаолияти билан танишди. Учрашуларда ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш имкониятлари ҳусусида фикрлашиб олинди. (ЎзА)

Хўжаобод туманининг Хидирша қишлоғи ёнида бунёд этилаётган ерости газ омбори курилиши ниҳоясига етмоқда. Ушбу иншоотнинг бош пудратчиси - «Вилоятуйжойқурилиш» хиссадорлик жамятининг «Қуймауйжойқурилиш» бошқармаси меҳнат аҳли шу кунларда ерости газ омбори биринчи навбатидаги тозалаш иншоотларини бунёд этишда жонбозлик кўрсатмоқда. Бошқарманинг 230 нафар курувчиси ушбу иншоотнинг водий аҳолиси учун нақадар зарур эканлигини ҳис қилган ҳолда астойдил меҳнат қилмоқда. Сир эмаски, қиш ойлари нафақат Андижон вилояти аҳолиси, балки қўшни Фарғона ва Наманган вилоятлари фуқаролари, санаот корхоналари табиий газ етишмаслигидан бироз қўйналар эди. Ер ости газ

Осиё чемпиони ҚАМЮРТЛАРИМИЗ ШОҲСУПАДА

Спорт давлатни дунёга энг тез танитувчи востадир. Дейлик, Бразилияни ҳеч ким футболсиз танимасди ва оддий юмалок тўп, қолаверса катта футбол санъати орқали унинг довуғи оламни тутди. Футбол деса миллионлаб мухлисларнинг кўз олдига биринчи галда яшил майдон эмас, Бразилия келди. Ҳа, спорт юртларни юртларга, халқларни халқларга яқинлаштиради. Улар орасида илик, дўстона муносабатларни уйғотади.


Мустақилликка эришганимиздан сўнг юрти-мизда жуда кўп қўлаб халқаро миқёсдаги спорт тадбирлари ўтказилди ва ўтказилмоқда. Ана шундай нуфузли спорт мусобақаларидан бири-пойтахтимизнинг мухташам спорт кошонаси «Юнособод» спорт мажмуида эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича ўтказилган XIII Осиё чемпионати ўз ниҳоясига етди. Жаҳоннинг 14 мамлакатидан ташриф буюрган 150 нафар спортчи кураш майдонида ўз куч ва маҳоратларини синовдан ўтказдилар.

Ушбу чемпионатда илк бор қатнашаётган қизларимиз гарчи биронта совринли ўринларни эгаллашмаган бўлса-да, улар учун чемпионат катта мактаб бўлди, десак янглишмаймиз. Аёллар кураши баҳсларида япон спортчи қизларининг қўллари банд келди. Улар бешта олтин ва битта кумуш медал билан уйларига қайтишди.

Эркин кураш баҳсларида бир йўла уч хамюртимиз Игорь Купеев (69 кг), Руслан Хинчагов (76 кг), Аслан Санакоев (85 кг)лар олтин медални қўлга кири-тиб, мухлисларни хурсанд қилишди. Юнон-рум кураши бўйича бўлиб ўтган баҳсларнинг финал қисми ўта шиддаткор руҳда ўтди. Бухоролик спорт устаси Шўхрат Саъдиев финалда эронлик Али Ризо Харибий билан учрашди. Ҳаммани хаяжонга солган ушбу учрашувда Шўхрат рақибидан 2 дақиқа 51 сонияда устун келиб соф галаба билан олтин медал-

ни қўлга киритди. Кумуш медаллар эса Шамсиддин Худойбердиев (54 кг), Баҳодир Курбонов (63 кг), Руслан Биктяков (69 кг), Юлий Витт (76 кг), Зафар Очилов (85 кг) ларга насиб этган бўлса, бронза медалини Дилшод Орипов ўз фойдасига ҳал қилди. Шундай қилиб, юнон-рум курашида ҳамкорларимиз битта олтин, бешта кумуш, битта бронза, корейликлар тўртта олтин, битта бронза, козогистонлик дўстларимиз иккита олтин, битта кумуш, битта бронза, Хитой-Тайпейдан келган дўстларимиз битта олтин, иккита бронза, хитойликлар учта кумуш ва битта бронза медалларини бўлишиб олдилар.

Шундай қилиб, пойтахтимизнинг «Юнособод» спорт мажмуида эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича ўтказилган мусобақалар ўз ниҳоясига етди. Голибларга кубок ҳамда эсдалик совгалари топширилди. ШАХРИЁР.



ВОДИЙ АҲОЛИСИГА ҚУЛАЙЛИК

Хўжаобод ерости газ омборининг фойдаланишга тоширилишига оз вақт қолди

омборининг биринчи навбати ишга тушиши натижасида бу муаммо ҳал этилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ ўттиздан зиёд қудуқ орқали бир неча ўн миллион куб метр табиий газ омборга гамлаб қўйилди. Мазкур иншоот курилиши якунланган, йилнинг март ойидан сентябрга, эҳтиёждан ортқича газ бўлган вақтда, АҚШдан келтирилган учта кучли компрессор ёрдамида омборнинг биринчи навбатидаги 26 та, ик-

кинчи навбатидаги 30 та қудуқ орқали «зангори олов» омборга ҳайдалади. Қиш ойларида қувурларда газ босими пасайиши билан захирадаги газ ёрдамида аҳоли ва корхоналар эҳтиёжи тўлиқ қондирилади. Умуман, ерости газ омбори курилиши бошлангандан бери ўтган икки йил ичида бу ерда компрессор станцияси ва ўнлаб қудуқлардан ташқари қозонхона, электр тармоқлари станцияси, ёнгина қарши иншоотлар, то-

залаш иншоотлари, маъмурий-маиший бино, ошхона, мева-сабзавот омборхонаси фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, ишчи-хизматчилар учун битта 24 қаватли икки қаватли тураржой биноси курилиши туғаллиб, иккинчисининг курилиши давом этмоқда. Улар ёнида эса ўнга кotteж бунёд этилмоқда. Хўжаобод ерости газ омборининг хавфсизлик зонаси ташқарисида барпо этилган газчилар шаҳарчасида бугунги кунгача 178 та ҳовли-жой куриб битказилди. Шаҳарчага тоза ичимлик сув келтирилди, савдо, маданий-маиший объектлар, замонавий қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. К.НИЗОМОВ, ЎзА мухбири.

1999 йил - Аёллар йили

Аёл биринчи навбатда она, уй бекаси, оила чаробони. Машҳур хинд ёзувчиси Робиндранат Тагор таърифи билан айтганда, аёлсиз уй тундаги ўрмонни эслатар экан. Қолаверса, хотин-қизларимиз бугунги кунда жонажон Ўзбекистонимиз истиклолини мустақамлаш йўлида барча жабҳаларда эркаклар билан баробар куч-ғайрат сарфламоқдалар. Бинобарин, меҳнаткашларни ижтимоий химоялашни ўзининг бош вазифаси деб билган Наманган вилояти касаб-уюшмалари аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ролини оширишга катта аҳамият бериб келмоқда.

рида юзлаб хотин-қизлар оила аъзолари билан биргаликда дам олиб, даво-ландилар. Фарзандидан кўнгли тўк онанинг ишлари ҳам унумли бўлади. Мана шу иборадан келиб чиққан ҳолда ўтган йилнинг ёзги дам олиш мавсумида касаб-уюшмалари тизими бўйича 79 та болалар дам олиш масканлари фаолият кўрсатди. Уларда меҳнаткашларнинг 24 минг 43 нафар фарзандлари ҳордиқ чиқардилар. Бу йўлда касаб-уюшма ташкилотларининг ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан жами 44,8 миллион сўм маблағ сарфланди, 5386 нафар кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг фар-

мошабинга мўлжалланган ўйингоҳ барпо этилди. Шунингдек, вилоятда спортнинг 15 тури бўйича мусобақалар ўтказилган бўлиб, унга биноан тармоқлар ходимлари ўртасида турли спорт тадбирлари - спартакиадалар, турнирлар ва мусобақалар ўтказиб бориш одат тусига кирмоқда. Ватанимиз Мустақиллиги кунига бағишлаб аёллар ўртасида ўтказилган вилоят спартакиадаси, «Ота-онам ва мен - аҳил спортчилар оиласи» шiori остида ўтказилган спорт мусобақаси, тармоқлараро спартакиадалар, «Камолот» жамғармаси кубоги учун ўтказилган турнир, Универсиада, футбол бўйича «Оқ олтин», «Олтин бошок» турнирлари шулар жумласидандир.

«Оилаларнинг уй-жойи»га нисбатан талабларини тўлароқ қондиришга ҳам алоҳида аҳамият бермоқдамиз, - дейди суҳбатда вилоят касаб-уюшмаларининг ижтимоий химоялаш бўлими бошлиғи Жўраҳон Воҳидов. - Зеро қулай турар жойга эга бўлган, оила-суи шариоитидан кўнгли тўқ аёл ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғ ва тетик, иши унумли бўлади. Биргина ўтган йилда аҳоли маблағи ва маҳаллий химиятларнинг қўллаб-қувватлашлари натижасида 412 минг 863 квадрат метр уй-жой қурилди. Қишлоқ инфратизимини ривожлантириш дастури асосида 3012 ўринга эга бўлган мактаблар, 6042 квадрат метр ҳажмдаги савдо тармоқлари ва бошқа қатор маданий-مائий хизмат шохобчалари қурилиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, қўллаб янги иш ўринлари яратилдики, буларнинг бари хотин-қизлар турмушини яхшилаш, оилалари фаровонлигини ошириш, соғлиқларини мустақамлаш ва фарзандларини соғломлаштириш ишларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари бугунги кунда вилоятда аҳолини соғломлаштиришга спортни кенг ривожлантириш орқали эришиш йўлидан борилмоқда. Бинобарин, касаб-уюшмалари вилоят кенгаши раҳбариятининг ташаббуси билан Наманган шаҳрида ҳашар йўлида умумий қиймати 500 млн. сўмлик «Пахлавон» номли йирик спорт иншооти қурилиб фойдаланишга топширилди. Ушбу иншоотни барпо этиш учун касаб-уюшмалари вилоят кенгаши томонидан 7,9 миллион сўм маблағ сарфланди. Поп туманидаги Урамлик том ёпқич ашёлар ҳиссдорлик жамияти касаб-уюшма ташкилоти ташаббуси билан эса 6 минг то-

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

САОДАТ СОҲИБАЛАРИ

линоқда. Масалан «Нотўқимачи» ҳиссдорлик жамиятида тузилган жамоа шартномасига кўра ишчи Фаридоҳон Маъруфўжаеванинг никоҳ тўйи учун 87 минг сўм маблағ ажратилганини келтиришимиз мумкин.

Касаб-уюшмаларининг бош вазифаларидан саналган ишловчиларни ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ҳам касаб-уюшмаларининг диққат-этиборида бўлиб келмоқда. Шунга кўра ўтган йили 5 минг нафарга яқин меҳнаткашлар санаторий ва дам олиш уйларида ҳордиқ чиқариб, соғлиқларини мустақамладилар. Вилоятдаги мавжуд 12 профилакторийда даволанган 8210 нафар ишчи-хизматчиларнинг аксари қисмини аёллар ташкил қилганлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Шунингдек, касаб-уюшмаларининг йўлнамалари билан электр тармоқлари корхонаси, «Наманган-Текстиль», «Нотўқимачи» ҳиссдорлик жамиятлари, 3-пахта тозалаш корхонаси ва шу каби бир қанча корхона ва ташкилотлар қошидаги ёзги дам олиш масканла-

зандлари бепул йўланма билан таъминландилар.

Сирасини айтганда, касаб-уюшмаларининг ташаббуси билан кўпчилик хўжалик ташкилотлари болаларни дам олдириш учун ота-оналар томонидан тўланмайдиган маблағини ўз зиммаларига олдилар. Яъни, ҳордиқ чиқарган аҳолининг 84 фоизи ёзги таътилда дам олиш учун бепул йўланма билан таъминландилар.

Бундан ташқари бугунги кунда вилоятда аҳолини соғломлаштиришга спортни кенг ривожлантириш орқали эришиш йўлидан борилмоқда. Бинобарин, касаб-уюшмалари вилоят кенгаши раҳбариятининг ташаббуси билан Наманган шаҳрида ҳашар йўлида умумий қиймати 500 млн. сўмлик «Пахлавон» номли йирик спорт иншооти қурилиб фойдаланишга топширилди. Ушбу иншоотни барпо этиш учун касаб-уюшмалари вилоят кенгаши томонидан 7,9 миллион сўм маблағ сарфланди.

Поп туманидаги Урамлик том ёпқич ашёлар ҳиссдорлик жамияти касаб-уюшма ташкилоти ташаббуси билан эса 6 минг то-

Ислоҳот мевалари

ЧИҚИТСИЗ ТЕХНОЛОГИЯ

У қўшимча даромадни кўпайтирди

Когон дон маҳсулотларини қайта ишлаш ҳиссдорлик жамияти Бухоро вилоятидаги қаддини ростлаб бораётган корхоналардан бири саналади. Энг аввало бу ерда иш замон талабларига мос ҳолда ташкил этилганлиги эътиборни тортади. Корхона очик турдаги ҳиссдорлик жамиятига ўтиб ишлаш бошлагач, ютуқлар салмоғи кескин оша бошлади.

1998 йилда корхонада бир миллиард сўмга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жорий йилдан эътиборан жамоада ишлаб чиқариш қувватларидан янада унумли фойдаланиш эвазига иқтисодий ривожланиш суръатлари кўзга ташланиб бораёттир.

Йилнинг биринчи чорагида маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғи 275 миллион сўмга етказилди. Бу, бултурги шу даврга нисбатан деярли икки ҳисса кўпдир. Ўтган биринчи чорақда корхонада 3738 тонна биринчи навли ун тайёрлашга эришилди. Олдинги йилга нисбатан ўсиш салмоғи 500 тоннани ташкил этади.

Агар 1998 йилнинг биринчи чорагида ҳаммаси бўлиб 985 тонна омухта ем етказиб берилган бўлса, амалдаги йилда жамоа ва фермер хўжаликларига, аҳолига сотилган маҳсулот салмоғи 2041 тоннага етказилди. Илгари тегиридонлардан чиққан кепак бошқа корхоналарга юбориларди. Мана, икки йилдирки, бугдойни қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган чиқитлардан тўйимли концентрат озуқа тайёрлаш технологияси тўла-тўқис ўзлаштирилди. Эндиликда корхонада ишлаб чиқарилаётган омухта емга бўлган талаб ошиб бораёпти. У корхона хазинасига йилга 2 миллион сўмлик қўшимча даромад келтирмоқда.

Ишлаб чиқаришдаги ютуқлар салмоғининг кўпайиши биринчи навбатда жамоа аҳли оладиган фойда миқдорини ошишига йўл очаёттир. Жорий йилда 35 миллион сўм соф фойда олиш кутилмоқда.

—Бултур ишчи-хизматчиларнинг йил давомида олган ойлик маошларига ўрта ҳисобда 3,5-4 минг сўмлик қўшимча

тўланди. Бу йил эса қўшимча тўловларни 85-90 фоизга етказиш режалаштириляпти. Мана шу биргина далилнинг ўзидан корхона ишчи-хизматчиларини ижтимоий-иқтисодий химоялаш борасида қандай ишлар қилинаётганлигини билиб олиш мумкин. «Аёллар йили» муносабати билан ишлаб чиқилган тадбирларни тўла-тўқис амалга ошириш мақсадида корхона ҳисобидан 10 миллион сўмдан ортиқ пул ажратишни кўзда тутганмиз, - дейди бош ҳисобчи Э.Кўчқоров.

Янги иш ўринлари барпо этиш, меҳнат умумдорлигини ошириш, ёрдამчи хўжаликни оёққа тургазиш, жамоа аҳлига қулай шарт-шароитлар яратиш ва бошқа қатор ибратли ишларда маъмурият касабқўм билан ҳамкорликда чора-тадбирлар кўрмоқда.

Ишлаш учун энг аввало жамоа аҳли соғ-солomat бўлиши керак. Қолаверса, меҳнатга яраша ўз вақтида ҳақ тўлаш зарурлигини ҳам унутмаслик шарт. Биринчи навбатда масаланинг ана шу жиҳатларига эътибор беришга ҳаракат қилинади.

Дарҳақиқат, янги раҳбарнинг қайси йўлдан бориши кўп нарсани белгилайди. Унинг ҳар қадамда одамларга суяниб, таяниб иш юритиши тезда ўз самараларини кўрсатди. Ким билан суҳбатлашмайлик, фақат ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиш эвазига обрў қозониш мумкинлигини таъкидлашди. Ҳатто, Назира Ашурова, Муҳаббат Каримова, Жамшид Очиллов, Фулом Ашуров сингари ишлаб чиқариш илғорлари малакали мутахассислар корхона фахри эканлигини билиб олди.

Шу кеча-кундузда корхонада иш тўхтовсиз давом этаёпти. Мавжуд икки тегиридон ҳам юксак унум билан ишламоқда. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар ҳам сифати, ҳам харидоригрилиги билан ажралиб турибди. Эндиликда бу маҳсулотлардан нафақат Қоровулбозор, Когон, Гиждувон, Шофирқон туманларининг аҳолиси, балки бутун Бухоро воҳаси баҳраманд бўлмоқда.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» муҳбири.

Бухоро вилоятидаги педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ташаббуси билан, француз тили ўқитувчилари учун худудий семинар ўтказилди. Унда Бухоро ва Навоий вилоятларидан элликча яқин

ХУДУДИЙ СЕМИНАР

ўқитувчи иштирок этди. Франциялик мутахассислар уч кун давомида француз тилини ўқитиш методикасига оид сунгги янгиликлар, ошб мамлакатдаги таълим тизими, французларнинг миллий урф-одатлари ва байрамлари, Франция-Ўзбекистон маданий ҳамкорлиги каби мавзуларда қизиқарли суҳбатлар ташкил қилди.

Анжуман якунида Франциянинг Ўзбекистондаги Факуллода ва мухтор элчиси Жан Клод Ришар ўқитувчиларга тегишли гувоҳномалар топширди.

ОРКЕСТРНИНГ ИЖОДИЙ КЕЧАСИ

Пойтахтдаги «Туркистон» саройида Тўхтасин Жалилов номидаги Ўзбекистон Давлат академик халқ чолғу оркестрининг ижодий кечаси бўлиб ўтди.

1991 йилда Академик оркестр унвонига сазовор бўлган мазкур жамоанинг кейинги вақтдаги ижоди айниқса сермаҳсул бўлмоқда. Унинг ўзбек композиторлари билан ҳамкорлиги мусиқа маданиятида янги саҳифалар очди. Жамоанинг Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон ва Россия халқ чолғу оркестрлари билан ижодий алоқалари халқораликка эриштиришга кўмаклашди. Урта Осиё ва Қозоғистон давлатлари халқ чолғу оркестрларидан иборат «Интер-оркестр» ташкилотчиси ҳамдир.

Ижодий кечада мусиқа санъати муҳлислари халқ куйи ва қўшиқлари, ўзбек композиторларининг асарлари билан бирга жаҳон мусиқа маданияти намуналари билан ҳам танишилди.

(ЎЗА)



Учқўприк туманида аҳоли саломатлигини химоя қилиш, мустақамлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Тиббиёт ходимлари маҳаллаларда, корхона, ташкилотларда, дала-шиёпонларида бўлишиб профилактика ишларни кучайтиришмоқда. Айниқса, ҳар бир да-

ла шийпонларида тиббиёт хоналари, зарур дори-дармонларнинг бўлиши меҳнаткашлар саломатлигини мустақамлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Суратда: тиббиёт ҳамшираси Шохистахон Хайдарова.

Б.ҲАМРОКУЛОВ олган сурат.

ЎШ РАҚҚОСАЛАР ТАҲЛОВИ

Республика ҳукуматининг қарорига мувофиқ Мукаррам Турғунбоева номидаги республика танловини ўтказиш яқини аёнлаш бўлиб қолди. Максоди рақс оламининг янги истеъодларини кашф этиш ҳамда Ўш ижодкорларга амалий ёрдэм кўрсатишдан иборат бўлган бу тадбир ҳар йили Ўзбек миллий рақс малакаси таваллуд топган кун арафасида ўтказилади.

Танловнинг республика якунловчи босқичида ўн уч нафар раққоса қатнашди. Улар устоз санъаткорлар саҳналаштирган ва ижро этган мумтоз рақслардан ҳамда ўзбек миллий рақс санъати мактаблари аъённалари асосида бугунги кунда яратилган асарларни ижро этиш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этди. «Раққоса» ва «Уйна гўзал» рақсларини моҳирона ижро этган «Ўзбек рақс» бйрлашмаси «Лазги» ансамблининг раққоса

си Наргиза Ҳожиқонова танловнинг олий мукофотига сазовор бўлди. Ҳоразмлик Садоқат Ниёзматова биринчи ўринни эгаллади. Сирдарёлик Назокат Қорахўжаева ва тошкентлик Шаҳноза Каримова иккинчи, қашқадарёлик Феруза Самиева ва қорақалпоғистонлик Дилноза Пиржоннова учинчи ўринга эришди. Барча голиб ва совриндорлар танлов дипломи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

башарасини таниб олди. Қизиқ, ақидাপарастлар йўлига юрганлар мусулмонни қўли, қарши юрганлар эса қўйиб экан-да... - Мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳарбий салоҳияти кудратлидир. Куролли кучларимиз ҳар қандай ёвуз кучга қақшатқич зарба бера олишига ишончимиз қомил, - фикрини

дон тожик биродарларимизнинг кўни ўзини «ислом лашкарлари» деб билган кимсаларга қолмасин.

Шундай кезларда ҳар бир садақатли, қалбда юрт иши ҳақида урган фуқаро Ватан ҳақида, тинч, осуда ҳаётимизни кўз қорачиғидек асраш ҳақида ўйлайди, мулоҳаза юритади. Демак, барча воқеалардан тўғри хулосалар чиқаришимиз, огоҳ бўлишимиз даркор. Қаранг, ҳатто йўлдан адашган, нобакор, ношукр, жангари жангчилар охир оқибат куролларини ташлаб, она юрт бағрига отилишди. Ҳа, юрт меҳри нақадар қайноқ! Уни сўз билан ифодалаш мушкул. Эй, жаннатмакон, тилларда дoston, саодатли юртим, ўзингдан қўймайсин, камолингга, жамолингга асло кўз тегмасин!

Мирғиёс ҚАЮМОВ.

Б Р Ю С С Е Л. Белгия пойтахтида Европа Иттифоқи мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бошланди. Унда иттифокнинг 4 июн куни Келн шаҳрида бўлиб қатнашган таъйёргарлик масалалари муҳокама қилинади. Халқаролик қараганда, саммит доирасида иттифок билан АКШ, Канада, Япония ҳамда Лотин Америкаси мамлакатлари ўртасида ҳам алоҳида олий даражадаги учрашувлар бўлиб ўтади. Европа Иттифоқи саммитида кў-

OLAMDA NIMA GAP

риладиган асосий масалалар Болкон минтақасидаги муаммо ҳамда иттифок доирасида ташқи сиёсат ва хавфсизлик сиёсати бўйича ягона умумий тизим ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Маълумотларга қараганда, НАТО йилги ишларида қатнашадиган европалик вакилларнинг 80 фоизи Европа Иттифоқи доирасидаги тадбирларда ҳам иштирок этади. Лекин айни вақтда иттифок раҳбарияти ўзини НАТОнинг Югославияга қарши операциясига алоқадор эмас деб ҳисоблайди. Шу боис ташқи сиёсат ва умумий хавфсизлик масалалари билан шугулланишни алоҳида давлатлар эмас, балки иттифок даражасидаги органлар зиммасига юклаш мақсадга мувофиқ, деб топилмоқда.

илгаридан айирмачилик кайфиятлари мавжуд. Вилоятда Индонезиядан ажралиб чиқиб бўйича референдум ўтказиш қақриқлари ҳам янграб туради.

АНҚАРА. Мрамара денгизининг Имроли оролида Курд ишчилари партияси етакчиси Абдулла Ҳолан устидан суд бошланди. Унга олий жазо берилиши кутилмоқда.

Туркиядан олинган хабарларга кўра, Абдулла Ҳолан раҳбарлигидаги Курд ишчилари партияси 1984 йил 15 августдан бундан мустақил Курд давлати тузиш учун куролли кураш олиб боради.

Ўтган вақт оралигида ташкилот жангарилари томонидан Туркияда 21 мингга яқин террорчилик ҳаракати содир этилган. 15 йиллик кураш натижасида 28 минг киши ҳаётдан кўз юмган.

ЖАКАРТА. Индонезия куролли кучларининг катта қўшини Ачех вилоя-

(ЎЗА)


ҚЎЙМАСИН, ЮРТИМ!

роқ мушт бўлиб туғилдиган халқимиз. Фозил қори Ёсин ўғли ҳикоя қиладилар: тўрт мазабнинг асосчиларидан бири Имом Аҳмад зиндонда ётганида Худодан нима сўрасангиз, деб сўрашди. Давлатнинг ҳақиқига дуо қилиб ётибман, дебдилар имом ҳазратлари. Нима сабабдан, дейишганида, давлатки тинч бўлса, юрт осойишта бўлса - халқ тинч бўлади,

янада теран ағладики ва табиийки, бахтимизни, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асрашимиз лозимлигини тушуниб етдик. Бунинг учун ҳар он огоҳ бўлишимиз, дунёдаги, қўшни давлатлардаги воқеа-ҳодисаларни синч-қовлик билан кузатишимиз, шунга яраша саъй-ҳаракатда бўлишимиз талаб этилади. Бугун қалблар уйғоқ. Одамлар давр масъулия-

нинг ҳам қалбини чуқур изтиробга солди. Ўн етти нафар ёш ўзбек жангариларининг бошлари танлардан жудо қилиниб, мусулмончилиқ қондаларига риоя қилинган ҳолда кўми ташланганлиги қалбларимизни жунбушга келтирди. Қонхўрларнинг қилмиши инсон боласининг иши эмас. Халқимиз Жума Намангоний, Тоҳир Йўлдош каби кимсаларнинг кимлиги, уларнинг асл

ифодалайди бекободлик меҳнат фахрийси Нарзи бобо Отахонов. - Бироқ Тожикистондаги воқеалар барча софдил, жонкуяр кишиларни ҳақли равишда ташвишлантирмоқда. Агар ушбу давлатда қора кучлар устунликка эришса, вазият бағоят чигаллашади. Ҳоҳлаймизми, йўқми бизга ҳам унинг муайян даражада таъсири сезилади, касри уради. Илоҳим, кадр-



Тибет

Хотира - муқаддас туйғу ИЗЛАЙИН ҚАЕРЛАРДАН

(романдан парча)

Инсон рухиятининг, маънавий оламнинг бебаҳо бойликларида бири хотирадир. Юракнинг туб-тубларида, шуурнинг кўз илгамас пучмоқларида хотиранинг ўчмас излари қолади. Бу излар одамзотни йилларнинг катида, умр йўлларининг четида қолиб кетган ҳодисотлар силсиласига бошлайди. Ширин дамларни хотирлаб қувончдан энтисанг, дахшатли дамларни эслаб, маҳзун тортасан...

Ана шундай дахшату вахшатларга тўла иккинчи жаҳон уруши катта авлодининг хотирасига абадий муҳрланган бўлиб, тиззадан қон кечганлар ҳам, фронт орқасида қолиб, унинг бор машаққатларини бошидан кечирганлар ҳам у қуларни ҳаяжонсиз, қалб кийносиз эслаб олишмайди.

Яқиндагина Президентимиз Фармонлари билан нишонланган Хотира ва Қадрлаш кулларига фахрийларимиз кўзларида халқаланган ёшларда, йиллар ўз нақшини ўйиб солган нуруний юзларида, ҳаяжоннинг зўридан титраган кўзларида ана шу ҳаяжон, қалблар тубига чўккан изтироб акс этгандек бўлди. Уларнинг гаму ташвишлар, қувончу ҳаяжонлар қоришиқ жилдоланган қиёфаларига боқиб Юртбошимизнинг 1941-1945 йиллардаги уруш, айниқса фронт ортида фидойилик кўрсатган ўзбек халқининг, жумладан, хотин-қизларининг қиёматидан бири хотирадир.

римизнинг қаҳрамонликлари, мардона меҳнати, мислсиз жасоратлари тўлақонли ёритилмаганлиги ҳусусидаги фикрларини эсладим.

Ижод оламига ўзига хос фикрати билан кириб келган Муассар Умированинг «Излайин қаерлардан» романи, назаримда, ана шу бўшлиқни бир қадар тўлдиришга хизмат қилади. Муаллиф аёл қалбининг призмаси орқали собиқ иттифоқда ҳукм сурган тоталитар тузумнинг бетайин-сиёсати тўғрисида яқин ўтмишимизда рўй берган ижтимоий-маънавий бузилишлар, халқимиз бошига тушган оғир мусибатларни рўйи-рост кўрсатиб беришга муваффақ бўлган. Романининг асосий қаҳрамонлари аёллар бўлиб, аёл қалбининг изтироб-исёнида воқеалар силсиласи акс эттирилади.

Ҳукмингизга ҳавола этилаётган парчада ҳам уруш дахшати турғирган машаққатлар, улар оқибатида юзга қалқиб чиққан қайғу-аламлар, қувонч тўла дамларнинг изтиробга гарқ оғилар билан алмашинуви маҳорат билан акс эттирилган. Уруш тугаганидан кейин дунёда келган адабнинг урушнинг дахшатли манзарасини, тинчликсевар халқ бошига солган қулфатларини реал бўёқларда тасвирлаши унинг ёрқин истеъдодидан дарак беради.

Темир ҚУРБОН,
Филология фанлари номзоди.

Дард деганлари шумикан, тугиб қўйсам-а? - уйларди у.

Куни бўйи чарчаган акани, ҳар қалай кўзи илгинди. Бир пасда туш ҳам кўрибди. Тушида ҳам эру-хотини шундай ётишганимиш. Бир пайт эрининг олдида чиройли ясагини бешикка кўзи тушибди. Зумрадхон - Ие, ҳали тугилмаганди-ку,- дея қорнини ушлаб кўрса, қорни бўм-бўш эмиш. Бешикда ётган чарқалоқ, онасининг ҳайрат-

дан донг қотган кўзига галати тикилиб турганмиш. Гўё у «Дадам шундай олис-ларга кетиб қолапти-ю, Сиз эса мени қамаб ўтирибсиз!»,- дейётгандай эмиш.

Шу пайт у жудаям кучли оғриқдан чўчиб уйғониб кетди. Тўлғоқ азоби бутун вужудини ларзага солиб юборганди. У бақириб юборишдан, эрига сездириб қўйишдан қўрқиб, лабини каттиқ тишлади. Оғриқ борган сари кучаяр, қорнидаги бола безовта типирчиларди.

Бунчалар безовтасан, болам. Наҳотки, отангининг узоқ-узоқларга кетаётганини мурғаккина юракчанг билан ҳис қилаётган бўлсанг. Томоғига бир нарса тикилиб кетаётгандай бўлди. Кўзларига ёш қуйилди. Наҳотки, бутун дунёни ларзага солган ланнати уруш дахшати ҳали дунёга келмаган мурғак юрагига ҳам оғу солган бўлса!?

...Зумрадхон эрининг бақувват кўлларини кўксига босганича унга тикилиб ётди. Оғриқ азобидан қанчалар тўлганмасин, бу дақиқалар узоқроқ чўчилишини жуда-жуда истарди. Ахир тонг отиши билан у жўнаб кетди. Балки, бу кун улар учун энг сўнгги... Дахшат!... Қанчалар дахшат!... Оғриқ азоби эса, ундан ҳам дахшатлироқ эди. У икки ўт ўртасида ёнарди. Тамоми жони азоб чекарди. Лекин... чидаш керак... У эрини охириги бор кў-


раётгандай унга узоқ тикилди. Оғриқ ҳар хуруж қилганича эса, унинг кўлларини кўксига босганича ўтказиб юборарди. Назиржон ҳеч нарсани пайқамас, донг қотиб ухлаб ётарди.

Тонг отди. Зумрадхон оғир қадамлар билан юриб, ташқарига чиқди. Муздак сувга юзини ювди. Сўрига кўрпачалар ёзиб, дастурхон тайёрлади. Ҳаммалари жам бўлиб, чойга ўтиришди. Қайнонаси чой устида ҳам пиқиллаб ўтирди. Нихоят душманларга ўлим тилаб дастурхонга фотиҳа тортишди. Назиржон уйга кириб бувиси билан хайрлашиб чиқди. Ҳаммалари бирин-кетин кўчага йўл олдилар. Унсин ҳола уйга кириб бир пасда кийиниб чиқишга ҳам улгурди. Зумрадхон ҳам эрини кузатишга боргиси келарди-ю... Унинг аҳволини фақат зийрак Шоқир отагина пайқаб қолди. У кампирини четга тортиб, алланамалар деб пичирлади. Юрак-бағри вайрон бўлиб, ўғлидан бошқа бор дунёни умугтан Унсин ҳола келинининг тўлғоқ азобидан зўриққан юзларига, кир-тайган кўзларига қараб кўриб кетди. Назиржон эса, бунинг фаҳмига етиб бормаган, хотинининг аҳволини ўзича тушунарди. Видолашув онлари ҳам етиб келди.

Муассар УМИРОВА.


БОЛАЛАР КУЛГУСИДАН

Олам тўлади, нурга
Болалар кулгусидан
Боғлар ҳам тўлар гулга
Болалар кулгусидан.



Калбинг қувончга тўлар
Ғам андуҳинг йўқ бўлар
Кўнглингга ғубор ўлар
Болалар кулгусидан.

Анҳор сувга тўлгандай
Қишим баҳор бўлгандай
Кўкдаги ой кулгандай
Болалар кулгусидан.



Яйранг, ўсинг болалар
Йўлингизга лолалар
Ҳар дам тўлсин дунёлар
Болалар кулгусидан.

Зебунисо ЮСУФ қизи.



ҲИНДУЛАР ОҒУСИ

Маълумки, тамаки чекиш тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Масалан, Кипр оролида қазилмалар вақтида тамаки чекиладиган трубка топилиган. Унга уч минг йилдан кўп бўлган экан. Француз мутахассислари 1977 йил эраминдан 1200 йил илгари вафот этган Фиръавн Рамзес II нинг мўмиёланган жасадини қайта тикладилар. Мўмиёда бошқа ўсимликлар билан бирга анча миқдорда тамаки ҳам борлигини аниқланган.

Тамаки Америка, Хитой, Японияда ҳам қадимдан маълум бўлган. Дастлаб тамаки чекиш одамни Колумб матрослари 1492 йили Кюба оролига қилган сафар вақтида учратганлар. Ҳиндулар қандайдир ўсимлик баргини чўғ билан гулханга солиб, ундан чиққан тутунни узун най орқали ичларига тортиб чекишган. Ана шу найнинг номи «табако» деб аталган. Франция элчиси ўз қироличасига ана шунини «шифобахш» ўсимлик дея тақдим этган. Кейинчалик тамаки таркибидеги энг зарарли модданинг номи билан «Никотин» деб аталадиган бўлди. Шу боис чекиш одамларнинг соғлигига зарар етказувчи, меҳнат қобилиятларини, ишлаб чиқариш унумдорлигини пасайтирувчи, натижада мамлакат иқтисодига жиддий зиён етказувчи катта офатдир. Унинг оқибатида кишида нафас олиш йўллари, юрак, саратон касалликларига чалиниш эҳтимоли кучаяди. Бундан ташқари унинг оила аъзоларининг нафас олиш йўллари, кўкрак, бурун, қулоқ ва томоқ касалликларига дучор бўлиш эҳтимоли икки-уч марта ортибди. Агар чекувчилар бор хонадонларда ёш гўдаклар бўлса, уларга ундан ҳам кўпроқ зиён етади. Улар бир ёшгача кўкрак қафаси дардига дучор бўладилар. Бундай гўдаклар чеқмайдиغان ота-онанинг фарзандларига нисбатан кўпроқ, қулоқ ва томоқ касалликларига чалинадилар.

Кашандалиқдан қелиб чиқадиган касалликлар узоқ йиллик дард ва ногиронликка олиб келиши мумкин. Доимий чекувчиларнинг эллик фоизи узоқ яшайди. Улардан ярми ўрта ёшда, иккинчи ярми эса кекса ёшга етар-етмас бу дунёни тарк этадилар. Агар сиз ўрта ёшгача чекишни ташласангиз, ҳаётингизга етказилажак ана шу хавф-хатарнинг олдини бирмунча олган бўласиз. Шунинг учун биринчидан чекишни ўзингизга одат қилманг. Кашанда бўлсангиз чекишни ҳозирданок, ташланг! Бу билан соғлигингизга зиён келтирувчи юқоридаги хавф-хатарни қамайтиришингиз мумкин.

Абдунаби ОРИПОВ,
Республика Саломатлик Марказининг
оммавий ахборот бўлими муҳаррири.

Ҳар бир қишлоқнинг ўзига яраша урф-одатлари бўлади. Қайси бир қишлоқ аҳолиси бодорчиликка қизиқса, яна бир қишлоқ одамлари хунарманчилик ёки чорвачилик орқасидан кўн кўришади. Бошқа соҳаларда ҳам шундай: бир қишлоқдан кўпроқ санъаткорлар етишиб чиққан бўлса, бошқасидан савдогарлар ва ҳокзалар.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Чўнкайма қишлоғи аҳолиси, жумладан унинг аёллари кўпроқ спортга қизиқишади. Бунинг муайян сабаблари бор. Мазкур қишлоқни ўз ўрамини оловчи жамоа ҳўжалигига ҳар жиҳатдан ташкилотчи, фидойи аёл-Хайрихон опа Эргашева чорак асрдан зиёда вақт раислик қилган. Бугунги кунда ҳўжалик шу аждоғий инсон номи билан аталмоқда.

Опа ҳўжаликни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган. Чўнончи, Чўнкайма қишлоғи меҳнат-қашларининг фарзандлари учун 1968 йилда спорт залига эга бўлган замонавий мактаб биносини қурдирган.

1996 йилдан буён фаолият кўрсатаётган касабаси уюшмаларининг қишлоқ спорт мактаби ҳам айнан шу 8-мактабда жойлашган. Иқтидорли, серғайрат спортчи Абдуғани Турғунов шу мактабнинг жонқуяр мураббийларидан бири. Абдуғани ака узоқ йиллардан буён қишлоқ ёшлари, айниқса, қизлар ўртаси-

Қишлоқ спорти

синча, йил сайин голибликка интилишиди. Ва ниҳоят, 1988 йили Марҳамат туманида ўтказилган вилоят хотин-қизлар спартакиадасида Балиқчи тумани қизлари олтинқўлликларни доғда қолдиришди. Омадани қаранг-

БАЛИҚЧИЛИК ВОЛЕЙБОЛЧИ ҚИЗЛАР Улар орасида 2-3 болали оналар, уй бекалари ҳам бор

да спортнинг оммавийлигига эришиш учун астойдил изланади. 1981 йилда у мактаб қизларидан иборат волейбол командасини ташкил этди. Шу йили волейболчи қизлар биринчи бор вилоят хотин-қизлар спартакиадасида иштирок этишди, иккинчи ўринни қўлга киритишди. Келгуси йили қизлардан беш нафари вилоят терма командасига тақлиф қилиндилар. Шу тарихи балиқчилик қизлар сурункасига саккиз йил вилоятда иккинчи бўлишди, қўшни Олтинқўл тумани қизлари голибликни қўлдан беришмади.

«Иқилган курашга тўймас», деганлари ҳақ гап экан. Абдуғани ака ҳам, спортчи қизлари ҳам тушунлиққа тушишмади. Ақ-

олис бир қишлоқдан келган аёл билан шаҳарда ўқитган спортчи талабалари беллаштириш адолатдан бўлмади. Негадир спартакиаданинг ҳакамлар ҳаёти шу жиҳатга амал қилмадилар. Бизни командамизнинг голиб бўлмаган қолгани эмас, балки мусобақадаги адолатсизлик ранжитди. Спорт мураббийсининг қувонганича бор. Унинг волейбол командаси ҳақиқий қишлоқ аёлларидан иборат. Уларнинг орасида 2-3 нафар фарзандли оналар, аждоғий уй бекалари бор.

Қишлоқ хотин-қизлари спортнинг бошқа турлари билан ҳам шуғулланишади. Алғомаш дostonининг 1000 йиллигига бағишлаб яқинда Термизда ўтказилган

спартакиадаси» аталгандан кейин, иштирокчилар албатта қишлоқ аёллари бўлишига алоҳида эътибор берилиши керак эди. Сабаби, биринчидан, қишлоқ аёли кўпроқ шу қишлоқ тадбирлар тўғрисида маънавият бўлади. Иккинчидан, миллий спорт ўйинларида улар нафақат ўз қишлоқлари, туманлари, балки Андижон вилояти шаҳрафини ҳимоя қилишди. Айниқса, 17 ёшли Севара Ҳабибуллаева қўлга киритган ютуқ ҳаммани ҳайратда қолдирди. Бор йўғи 55 кг вазндаги бу қиз Республика мусобақасида қатнаша туриб, қўл кучи бўйича чемпиони бўлди. У аввалига спортнинг шу тури бўйича Ўзбекистон чемпиони, Тошкент вилояти вакили билан куч синатиш, биринчи гуруҳ голиби бўлди. Сўнг иккинчи гуруҳ голиби, дзюдо бўйича мамлакат чемпиони, 118 кг вазни паҳлавон қиз билан куч синатишди. Далада, кетмон қоғи, ортирган кучи Севарага қўл келди. У рақибининг қўлини осонлик билан қайириб ташлади.

Миллий ўйинларнинг кейинги кунларида Севара ўз ҳамқишлоқлари - Дилором Қамбарова, Зилола Турғунова, Муқаддас Бозорова билан биргаликда тортинчидан (арқон тортиш) мусобақасида ҳам фаол қатнашиб, Андижон вилояти жамоасининг голиб чиқишига муносиб хисса қўшди.

Айни кунларда Чўнкайманинг қачқон қизлари Ўзбекистон мустикаллингнинг 8 йиллиги шарафига вилоят касабаси уюшмалари томонидан ўтказиладиган спартакиадага қизгин ҳозирлик кўрмоқдалар.

Шукрулло НЕҒМАТОВ,
«Ишонч» муҳбири.

Ҳар тўғрида МАХСУС МАШИНА

Ўзбекистон тоғларида ўсадиган ёнғоқ дарахларнинг бўйи гоҳо тўққиз қаватли бино баландлигига келади. Бундай дарахлардан ҳосилни йиғиб олиш қийин.

Лекин эндиликда ёнғоқ териш учун дарахнинг устига чиқишининг ҳолати қолмади. Республика ўрмончилик институтида ихтиро қилинган махсус машина 6-8 сония ичида ўнлаб одамнинг ишини бажариб қўлади. Унинг механик тарзда ишлайдиган «қўли» энг баланд дарахлардаги ёнғоқларни ҳам бир паста силкиб туширади.

ЁДГОРЛИК ТОШИ

Франция еридаги Альп тоғларига Помирдан ёдгорлик қоя тош келтирилди. Ўзбекистон альпинистлари бу тошни Федченко музликларидан олиб келишди. Бу ерда уни Шамони шаҳрачоси ёнидаги рус олими Федченко қабрига ўрнатишди.

Маълумки, бу жасоратли машур географ ва сайёҳ Монблан чўққиларини эгаллашда ҳалок бўлган.

«НИҲОЛ» САНАТОРИЙСИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!

Бу ерда ошқозоннинг сурункали яллиғлиғи, асаб, жигар, буйрак, тери ва аллергия, қон босими, модда алмасинувининг бузилиши, ички безлар ҳасталиклари даволанади.

Соф ҳаво, минерал сув ва бошқа воситалар самарали даволанишга ёрдам беради.

Клуб, сузиш бассейни, кутубхона, чойхона, савдо дўконлари, дам олувчилар хиз-

матида. Санаторийга нақд пул тўлаш ёки пул ўтказиш йўли билан йўлланма олиш мумкин.

Мулоқот учун телефон: (8-36946) 2-19-65, 2-43-54, 2-43-03, 2-24-80.

Манзил: Наманган вилояти, Учқўрғон тумани. «Учқўрғон-Ниҳол» маршрутли автобус билан борилади.

«МЕТАЛЛИКАЙТАШИЛАШ» МЧЖ

Чекланмаган миқдорда сотади:
* зангламайдиган челек 9л - 550 сўм, 15л - 600 сўм;
* зангламайдиган тоғора 13л - 600 сўм, 23л - 800 сўм;
* зангламайдиган бак 32л - 1500 сўм;
* сув қайнаткич (самовар) 42л - 4200 сўм;
* алюминий қошиқ ва вилка - 10 сўмдан;
* эшик ва ром ошиқ-мошиқлари 110 мм - 60 сўм;
* йўлак (тротуар) плиталари 1 кв.м. - 750 сўм;
* «Нева-5» ва «Ладога-3» русумли тўқув машиналари;
* 100 тонна қувватга эга зичлагич (пресс);
СОТИБ ОЛАДИ:
* зангламайдиган сым - қалинлиги 5 мм;
* қора тунука - қалинлиги 2 мм, 08КП;
ИЖАРАГА БERAДИ:
* божжона оғбори - 500 кв.м.

КОРХОНА МАНЗИЛИ: Тошкент ш. Соғбон 30-берк кўча - 79-уй.
МУРОЖАТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
46-52-00, 46-64-19, 46-14-13, 46-79-41.

1996-97 ўқув йилида Пискент туманидаги 1-ўрта мактаб томонидан Зиёдулло Йўлдошев номига берилган 006201 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳузуридаги Курортлар бошқармаси масулул ходим Анвар Ҳамидович Шариповнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оиласига ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.